



YOSHLAR OVOZI

НУКУСДА БИРИНЧИ ЯНГИ ТИПДАГИ ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ ОЧИЛАДИ

Бу ҳақда давлатимиз раҳбари 15 – 16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида маълум қилди

“Юксак салоҳиятли кадрларни тарбиялаш мақсадида юртимизнинг ҳар бир ҳудудида биттадан янги типдаги мактаблар — Президент мактабларини ташкил этишни режалаштирганмиз”, — деди Шавкат Мирзиёев.

Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов янги ташаббусни шарҳлар экан, қуйидагиларни таъкидлади: “Нукусдаги Президент мактаби кейинги ўқув йилидан иш бошлайди. Унда математика, физика, кимё, биология, ахборот технологиялари, шунингдек, хорижий тиллар илғор усуллар асосида чуқур ўргатилади. Колаверса,

болалар нафақат муайян фанларни, балки технологик, муҳандислик, санъат ҳамда математикага доир билимларни ҳам бирваракайига ўзлаштириши мумкин. Асосий мақсад иқтидорли ёшларни аниқлаб, сифатли таълим олишига шароит яратиш ҳамда пировард натижада уларнинг мамлакат равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган етук кадр бўлишига эришишдан иборат.

Президент мактабларига ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади. Таълим сифатини таъминлаш учун эса, бошқарув ва дарс жараёнларига хорижлик

тажрибали мутахассислар жалб қилинади”.

Айни вақтда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан Президент мактаблари фаолиятига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Бу масалага хайрихоҳ юртдошларимиз, шу жумладан, хорижда яшаётган ўзбекистонлик мутахассислар ўз тақлиф ва мулоҳазаларини expert@xtv.uz электрон почта манзилига юбориши мумкин.

Н.БАХОДИРОВА



SPORT

ДЎСТЛИК СПАРТАКИАДАСИ

Пойтахтимизда
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул
қилинганининг
26 йиллиги муносабати
билан ўтказилмоқда

Ёшлар иттифоқи ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Иттифокнинг турли вазирлик, идора ва ташкилотлардаги етакчилар кенгашлари аъзолари иштирок этмоқда. Тендошларимизни спортга кенг жалб этиш ҳамда улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган лойиҳада уч минг нафарга яқин йнгит-қиз футбол, шахмат, шашка ва стол тенниси бўйича маҳоратини синовдан ўтказаяпти.

Мусобақаларнинг финал босқичи ва ғолибларни тақдирлаш маросими 24 ноябрь куни “Миллий” стадионида ўтказилади.

Ш.ЭРКИНОВ

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

ЖИДДИЙ ҚАДАМ

Пойтахтимизда сайёҳлик соҳасидаги
I Халқаро сармоявий форумга старт берилди



Хукумат қарори асосида илк бор ташкил этилган йирик ва ўзига хос анжуман ишида дунёнинг салкам 50 мамлакатидан 300 нафардан зиёд меҳмон — хорижий талбиркор ва инвесторлар, сайёҳлик саноатида алоқадор компаниялар раҳбарлари, шунингдек, халқаро молия институтлари, дипломатик корпус вакиллари, жаҳонда тан олинган нуфузли экспертлар иштирок этмоқда. Шунингдек, тадбири ёритиш учун 30 дан ортиқ хорижий оммавий ахборот воситаси ходимлари жалб этилган.

Форумнинг очилиш маросими “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида бўлиб ўтди. Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Азиз Абдухалимов кутлади. У юртимиз сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш ҳамда туризмни миллий иқтисодийнинг таянч тармоқларидан бирига айлантириш борасида давлат даражасида қўрилаётган амалий сайёҳлик ҳамоқдорлигида ўтказилаётган I Халқаро сармоявий форум Ўзбекистон сайёҳлик сано-

тига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этиши ҳам айтиб ўтилди.

Ялпи йнгилишда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Алкис Дракинос, Халқаро молия корпорациясининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари Кассандра Колберт ҳам сўзга чиқди. Шу билан бирга, БМТ Жаҳон сайёҳлик



ташкilotи Бош қотиби ўринбосари Хаиме Альберто Кабалнини форум иштирокчиларига видеомурожаати намойиш этилди.

Айтиш керак, Тошкентдаги Халқаро сармоявий форум Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси ривожига ўз хиссасини қўшиш истагида бўлган ишбилармонларга ишбилармонлар билангина эмас, балки жойларда туристик инфратузилмани яратиш учун бевоқифта масъул ҳамда бу йўлдаги кўпгина гов-тўсикларни бартараф этишга қодир маҳаллий ҳокимлик мутасаддилари билан ҳам учрашиб, фикр алмашиш учун қулай майдон вазифасини ўтади. Анжуман дастурига В2В ҳамда В2Г форматдаги учрашувларнинг кiritилгани бежиз эмас. Улар бугун кун бўйи ўтказилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ОСИЁДА УЧИНЧИМИЗ

Пойтахтимизда қиличбозликнинг сабля йўналиши бўйича ўсмир қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон кубоги мусобақаси ўз низоҳасига етди. Унда вакилларимиз умумжамоа ҳисобида юқори натижа кўрсатиб, миллий спорт тарихида илк бор нуфузли беллашув шохсупасига кўтарилди.

Зайнаб Дайибекова, Севинч Исмоилова, Шаҳноза Тоғаймуродова ҳамда Айсулу Уснаддиновдан иборат тўртлик финалгача Молдова ва Германия терма жамоаларини мағлуб этди. Хал қилувчи баҳсада эса, фақат

россиялик спортчиларга имкониятни бой берди. Шунга қарамай мазкур натижа билан Ўзбекистон жаҳон рейтингида 12-ўринга кўтарилиб, Осиё қитъасида кучли учликка кирди олган.

Мусобақа жараёнида Марказий Осиё қиличбозлик конфедерацияси ҳам ташкил этилди. Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси раиси Рустан Шоабдурахмонов унинг президенти этиб сайланди.

ESHITDINGIZMI?

Керакли ва ҳаммабоп

Адвокатлар палатаси “Қундалик ҳаёт учун адвокат маслаҳати” тўпламини нашрдан чиқарди. Ушбу юридик нашр аҳоли, шу жумладан, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида тайёрланди.

Тўплам етти бўлимдан иборат. Унда оила ва никоҳ, уй-жой, маъмурий ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, фуқаролик иши ҳамда меҳнат муносабатларига доир савол-жавоблар, қолаверса, малакали адвокатлар томонидан тақдим этилган зарур тавсия ва маслаҳатлар ўрин олган. Шунингдек, қўлланмада қундалик ҳаётдаги муаммоли ҳолатларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этиш йўллари аниқ мисоллар орқали кўрсатиб берилган.

“Қундалик ҳаёт учун адвокат маслаҳати” тўплами тез орада барча маҳалла фуқаролар йиғинларига етказиб берилди.

Мухбиримиз

2019 ЙИЛДА ТОШКЕНТДА АМИТИ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ОЧИЛАДИ

Ҳиндистоннинг Амйти университети ректори Атул Чаухан бошчилигидаги делегация 17 – 19 ноябрь кунлари ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Ташриф доирасида меҳмонлар Тошкент шаҳридаги Вестминстер университетиде бўлиб, мазкур олий таълим даргоҳида яратилган шароит, мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ этиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг амалий натижалари билан яқиндан танишди.

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи доирасида мамлакатларимиз ўртасида қатор соҳаларда, жумладан, фан-таълим, кадрлар тайёрлаш йўналишларида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувларга эришилди, — деди Амйти хусусий университети ректори Атул Чаухан Вестминстер университети раҳбарияти билан мулоқотда. — Ушбу келишувлардан бири юртимизда Амйти университети филиалини очиб бўлиб, делегациямиз ташриф давомида ушбу ишларни бошлаш

имкониятларини кўриб чиқди. Натижада 2019 йилда Тошкентда университетимизнинг филиалини очиб қарор қилдик.

“Times Higher Education” ва “QS Ranking” халқаро рейтингига мувофиқ Амйти хусусий университети дунёдаги нуфузли олий таълим муассасалари миқдорида, Осиё миқтақаси рейтингини бўйича 300 та етакчи олий таълим муассасалари қаторига кирди.

Амитининг асосий кампуси Ноида шаҳрида жойлашган. Бундан ташқари, Ҳиндистонда яна 11, хорижий мамлакатларда 12 та кампуси мавжуд. Уларда ахборот технологиялари, молия, адлия, иқтисод ва бошқа соҳаларда 300 дан ортиқ таълим дастурлари бўйича 150 мингдан ортиқ талаба таҳсил олмақда.

Делегация аъзолари, шунингдек, пойтахтимизда ўтаётган туризм бўйича биринчи халқаро инвестициявий форумда ҳам иштирок этди.

Малоҳат ХУСАНОВА,
ЎЗА мухбири





(Бошланиши 1-саҳифада)

Шундай қилиб, АКШ, Хитой, Корея Республикаси, Туркия, Буюк Британия, Япония, Сингапур, Малайзия, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амириклари, кўшни республикалар ва бошқа кўплаб давлатлардан келган юзлаб сармоядорлар туризм секторига ўз фаолиятини олиб бораётган маҳаллий бизнес субъектлари билан юзма-юз учрашиб, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, реал лойиҳалар ижроси ва истиқболлари хусусида конструктив музокаралар олиб бориш, ўзаро манфаатли шартнома ва қелишувларни имзолаш имконига эга бўлмоқда.

Дарвоқе, реал лойиҳалар хусусида. Мехмонхона бизнеси, кўнгилочар туризм ва логистика, шунингдек, смарт-туризм йўналишларига бағишланган сессия йиғилишларида иштирокчилар жонажон диёримиз хар бир ҳудуднинг ички имкониятлари, талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб тайёрланган 500 дан зиёд инвестиция лойиҳаси билан ҳам танишди. Масалан, Сурхондарё вилояти вакиллари кичик сайёҳлик ҳудудларига доир тақдимот ўтказган бўлса, пойтахт маъмурияти "Olmazor city", кўхна кентларимиз мутасаддилари эса, "Samarkand city" ва "Қадимий Бухоро" лойиҳалари ҳақида батафсил маълумот берди.

Ўзбекистон туризм бозорига йигирма йилдан буён фаолият кўрсатаётган бўлса, охириги икки йил ичидаги юксалишлар ҳали бирон марта кузатилгани йўқ, — дейди "Premium Silkroad Travel" сайёҳлик компанияси раҳбари Омер Саҳин (Туркия). — Тармоқда жуда кўп ўзгаришлар, ижобий янгиланишлар рўй бермоқда. Мана, яқинда сармоядорларга ер участкаларини электрон савдоларсиз олиш ҳуқуқи берилганининг ўзи ҳам катта силжиш. Демак, бу билан ҳуқуқат тадбиркорларга очиклигини исботламоқда. Албатта, Ўзбекистон жохон сайёҳлик

марказига айланиши учун ҳали анча тер тўкиш керак. Биринчи гада, туристик инфратузилмани яхшилаш талаб қилинади. Лекин ҳозирги иштиёқ саклаб қолинса, аминманки, бу жараён узокка бормади — яқин беш йилда юртингизга келувчи сайёҳлар оқими бир неча қарра ортишига ишонман. Форумнинг туризмда логистика масаласига доир сессиясида катнашдим. Унда авиаташувлар соҳасида катта тажрибага эга Туркиянинг "Pegasus Airlines" компанияси ҳам ўз тақдимотини ўтказди. Саёҳатга отланган инсон учун икки нарса муҳим — йўл ва мехмонхона харажатлари. Шу икки хизмат қанчалик арзон бўлса, қизиқиш шунчалик ортади. Ҳозирча Ўзбекистонда туристик хизматлар бирмунча қиммат. Бу борада етакчи мамлакатлар тажрибаси ўрганилса, фойдадан холи бўлмайди, назаримда.

Смарт-туризм сессиясида кечган қизгин баҳс-мунозаралар форумнинг кўпроқ ёш иштирокчиларини ўзинга оҳанрабодек тортди. Бу тасодиф эмас. Ахир, сайёҳлик индустриясининг ушбу тармоғи анча навқирон. Қолаверса, у замонавий ахборот технологиялари билан ҳамбарчас боғлиқ. Демак, йигит-қизлар учун ўз-ўзидан қизиқарли.

Сессия давомида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг юртимиз тарихий обидаларини 3D форматда томоша қилиш имконини берувчи "Nazzar" мобиль иловаси ҳамда смарт-музей лойиҳаси, "Kabus web solutions" компаниясининг "Silkroad.uz", шунингдек, "Азия Тур Элит" масъулияти чекланган жамиятининг "UzBus" электрон бронлаш тизимлари, қолаверса, давлат кўмағида ишлаб чиқилган "Uzbekiatsn Pass" мега-лоийҳаси кўпчилиكنинг диққатини тортди.

Сайёҳлик соҳасидаги I Халқаро сармоявий форум эртага ўз ишини якунлайди.

Наргиза УМАРОВА

YUKSALISH


Тиббий мажмуа, мехмонхона ва фармацевтика заводи

Рохатой ҚОДИРОВА

Жорий йилда пойтахтимизда Ўзбек-Хитой илмий технологик парки иш бошлайди. 20 миллион АКШ доллари қийматидаги инвестиция лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги кўмағида амалга оширилмоқда.



Юнусобод туманида жойлашган янги муассаса йирик тиббий диагностика маркази кўринишида бўлиб, миқозларга 300 кишилик персонал томонидан фақат илгор технология



ялар

асосида

хизмат кўрсатилади. Эътиборлиси, унда нафақат замонавий тиббиёт, балки Кўхна Шарк табобатининг асрлар давомида синовдан ўтган даволаш усулларидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилган.

Технопарк ҳудудида таблетка, капсула, суспензия каби саккиз хил шаклдаги дори препаратлари ишлаб чиқариладиган фармацевтика заводи ҳам барпо этилган. Мазкур корхона юқори даражадаги халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради. Тез кунларда илмий муассаса тарки

бида учта мехмонхона ҳам қуриб битказилиши кутилмоқда.

Мажмуанинг самарали фаолият кўрсатиши, шубҳасиз, унга жалб этилувчи кадрлар малакасига бевоқифа бўлиши шубҳали. Шу нуктаи назардан, бир неча йил мобайнида Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик

кимё ва Ўсимлик моддалари кимёси институтларининг 20 нафар илмий ходими Синьцзян физика ва кимё техника институтида малакасини ошириб қайтди. Бундай ҳамкорлик ва пептидлар технологияси, препаратларнинг биокимёвий фаоллигини скрининг қилишга доир икки йиллик PhD дастурлар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Қайд этиш керак, хитойлик инвесторлар билан юртимизда илк бор ташкил этилаётган илмий технопарк маҳаллий фармацевтика компаниялардаги техник мутахассислар малакасини ошириш ҳамда касалликлар диагностикаси бўйича хорижий клиникаларнинг илгор тажрибасини амалиётга таъбиқ этишда ҳам жонбозлик кўрсатади. Шунингдек, муассаса яқиндаги маҳалларда яшовчи ижтимоий химояга муҳтож юзта онага хар йили бир марта енгиллаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш кўзда тутилган.

IMKONIYAT

ЎРГАНСА ЗИЁН ҚИЛМАЙДИ

Бўстонлик туманидаги "Ёшлар оромгоҳи"да Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгашлари раислари малакасини оширди. Махсус ўқув-семинарига Иттифоқнинг марказий кенгаши ҳамда ташкилот қошидаги "Етакчи" ёшлар маркази мутахассислари тренер сифатида жалб этилди.

Уч кун мобайнида икки юз нафарга яқин иштирокчи учун турфа мавзуларда маҳорат



дарслари ўтиди. Улар янги билим ва кўникмалар ўзлаштириш имконига эга бўлди.

Маҳаллий етакчилар ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилиш, маънавияти ҳамда касбий савиясини юксалтириш, илмий ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашишга қаратилган янги лойиҳалари, шунингдек, 2019 йил учун "Йўл харита"си тақдимотини ўтказди. Яқинда амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мухбиримиз

YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

ЖИНОЯТНИНГ САБАБИ — ИШСИСЗЛИК

Ёшлар иттифоқининг Марказий Кенгашида "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви бўлиб ўтди

Тадбир Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ва Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда ёшларга онд давлат сиёсатининг ижроси, маҳаллий йигит-қизлар дуч келаётган муаммолар таҳлил қилинди.

Биринчи мартаба ҳудуддаги тўртта сектор раҳбари — туман ҳокими, прокурор, ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда солиқ инспекцияси бошлиқлари етакчилар ва сардорлар, таълим муассасалари раҳбарлари билан жонли мулоқотга киришиб, саволларига очик-ошқора жавоб берди.

Даставвал ҳоким Шухрат Муҳаммедхонов жорий йилнинг ўн ойи давомида ёшлар масаласида қилинган ишлар хусусида йиғилганларга маълумот берди.

— Жорий йилда туманда тўртта "Ёшлар меҳнат гузари" ташкил этилмоқда, — деди ҳоким. — Келгуси йилда яна шунча барпо этамиз. 2 минг 700 нафардан зиёд ёш ишсиз саналади. 13 минг нафардан ортиси эса, норасмий ишлаб келмоқда. Ҳудудда мунтазам равишда меҳнат ярмар-

калари ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, туманда ташкил этилган иккита ўқув марказида ёшларга тадбиркорлик сабоқлари ва бошқа касб сирлари ўргатишмоқда. Ёшлар тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш мақсадига "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси ҳисобидан 4 миллиард сўм маблағ ажратилиб, ҳозиргача икки миллион сўм кредит ажратилиши, шу орқали ўнга яқин иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Янги йилда ёшлар учун Инновацион технологиялар марказини очилиши мақсад қилганмиз.

Ш.Муҳаммедов туман ёшларининг саккиз фоизи олий ўқув юрларига тахсил олаётгани ҳақида гапирар экан, бу анча паст кўрсаткич экани, йигит-қизларнинг пухта билим олиб, яхши мутахассис бўлишини таъминлаш, илм-фанга қизиқишини ошириш муҳим вазифа бўлиб қолаётганини ҳам таъкидлади. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар-

нинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар самараси ўлароқ, ҳудудда жиноятчилик ўтган йилга нисбатан 41 фоизга, хусусан ёшлар ўртасида 30 фоизга камайгани ҳам қайд этилди. Билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолган 70 нафарга яқин ўғил-қиз Ёшлар иттифоқи туман кенгашига қафилликка олишни сўраб мурожаат қилган. Шу ўринда ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бошқарма бошлиғи Улугберди Нарзуллаев Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик ўз натижасини бераётганини қайд этди.

Туман прокурори Ойбек Ҳошимов эса, ёшлар ҳуқуқларини химоя қилиш, таълим олиши, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши кераклиги, бу йўлдаги муаммоларни тезкор тарзда бартараф этиш муҳимлиги ҳақида айтиб ўтди. Ёшлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари учраётганининг бош сабаби уларнинг иш билан банд эмаслигида экани таъкидланди.

Рисолат МАДИЕВА

TASHABBUS

Талабалар тақдирланди

Ёшлар иттифоқининг Жиззах вилояти кенгаши ташаббуси билан Талабалар фестивали ўтказилди

Шоҳида ДАМАНОВА

Тадбир вилоят олий ўқув юрларида таълим олаётган йигит-қизларнинг инновацион ишланмалари кўргазмаси билан бошланди. Сўнгра "Заковат" интеллектуал ўйини, "Сиз уларни танийсизми?" лойиҳаси ҳамда "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" шiori остида спорт мусобақаси ташкил этилди. Лойиҳаларда жами минг нафардан зиёд ёш катнашди.

— Ўтган йили Корея Республикасида ўтказилган Бутунжаҳон шарк тендошларимизга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар топширилди.

атидан биринчи ўринни эгаллагандим, — дейди Жиззах политехника институти талабаси Барно Кўшбоқова. — Жорий ўқув йилида Ислон Каримов номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлдим. Ёшлар иттифоқи шу каби ютуқларимни муносиб эътироф этиб, фестивал доирасида мени тақдирлади. Бундан жуда хурсандман.

Вилоят мусикали драма театрида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида "Энг фаол талаба", "Энг яхши инновацион ишланма", "Энг ташаббускор талаба", "Энг фаол бошланғич ташкилот етакчиси" номинациялари бўйича ғолиб топилган тендошларимизга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар топширилди.

MULOQOT

АЖДОДЛАР ТАЖРИБАСИ қўл келади

Сумбулой НУРМЕТОВА

Урганч шаҳридаги Ёшлар марказида "Намунали оила — жамият таянчи" шiori остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда "Урганч" халқаро аэропортининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида батальонда хизмат қилаётган ҳарбийлар ҳамда уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Тадбирда ҳарбий қисм командири ўринбосари Шерзод Ҳожиев, Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши бўлими мутахассиси Дилрабо Бобожанова юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида оилалар мустаҳкамлигини таъминлашнинг объектив зарурати хусусида сўз юритди.


— Оилани муқаддас билган инсон ўз юртини

ҳам кўз қорачигидай асрайди, — таъкидлади Иттифоқнинг ҳарбий қисмдаги етакчиси Жўра Раҳматов. — Фарзандларимиз қамолини кўрмоқчи бўлсақ, уларни, аввало, оилаларвар қилиб тарбиялашимиз керак. Бунда аجدодлар мероси бизга қўл келади.

Мулоқот давомида Имом Фахриддин ар-Розий ўрта махсус ислом билим юрти ҳамда вилоят нарқология диспансери ходимлари ҳам сўзга чиқиб, ёш оилалар соҳибларига керакли тавсия ҳамда маслаҳатлар берди. Яқинда дилрабо куй-қўшиқлар янгради.

DOLZARB MAVZU

Жияним Канададан қайтиб келди. Мен таниган ўша соддадил, қадриятларини хурмат қиладиган, миллат шону шавкати учун қалқон бўлишга тайёр йигитдан асар ҳам қолмаган. Аввалига ёш умрининг нақ ўн йили хорижда (аввал Россияда ўқишни тугатиб, кейин океан ортида ишлади) кечган одамдан нимани ҳам кутиш мумкин, деб ўзимга-ўзим таскин берардим. Лекин бу сафарги суҳбатимиз мени жиддий мушоҳадага ундади.



ДАНГИЛЛАМА УЙ ҚУРАМИЗ, ДАБДАБАЛИ ТҶЙ ҚИЛАМИЗ. АРЗОН-ГАРОВ ГАПЛАР БИЛАН БИР-БИРИМИЗНИ МОТ ҚИЛГИМИЗ, ХЕЧ ҚАЕРГА СИГМАЙ КЕТАЁТГАН НАРСА-БУЮМЛАРНИ КЎЗ-КЎЗ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ “ШУХРАТПАРАСТЛИК ПОЙГАСИ”ДА БОШҚАЛАРДАН ЎЗИБ КЕТГИМИЗ КЕЛАДИ. БИРОҚ ҚАЛБ ТАРБИЯСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШГА ТОҚАТИМИЗ ЙЎҚ

ҲАЛОКАТНИНГ ИБТИДОСИ

Наргиза УМАРОВА

— Бир нарсага хайронман, — деди жияним дабдурустан Ўзбекистондаги мактаб йилларини хотирлаб, — бошимни оғритиб шунча фани бекор ўқиган эканман! Масалан, она тили ва адабиёт менга умуман керак эмас. Ундан кўра, иктисодиёт, менежментга кўпроқ вақт ажратганимда аллақачон “катта одам” бўлиб кетардим. Ахир, жамийи давлатманд кишилар адабиётни билгани эмас, математикани пухта ўргангани учун мана, ҳозир ОЛИГАРХ бўлиб юрибди!..

Фуркатнинг ушбу фикри хулосаси қалбимни ўқдек тешиб юборди. Ач-чиқ-тизлик гапиргани етмаганидек, мийингда қулиб қўйинчи фанонимни баттар оширди. Онги “идеал демократия” муҳитида шаклланган ўзбек боласи худди ўз миллати, юксак маънавият чашмаси бўлмиш она тили ва адабиётга хурмати баландини боис ҳам дунёда тан олинган улуг аждоқларини калака қилгандек туюлди менга. Жиянимни “жойига ўтказиб қўйиш” учун эдигина оғиз жуфтлаганимни биланман, онаси гап бошлади.

ши, мен ўзбекман, деб юриши мумкин?! Сендан бунақа фикрларни сира кутмагандим. Мени уялтириб қўйдинг, Фуркатжон...

Аммо ўғил барибир ўзиникини маъқуллаб тураверди. Ҳатто бир-иккита мисол айтиб, ҳақлигини исботлашга ҳам уринди.

— Навоийнинг ўнга ғазалини ёдладим ҳам, дейлик. Аммо улардан менга нима фойда?! Чўнтагим пулга тўладимми ёки биров катта лавозим бериб қўядими? Ана келинг, ўзбек тилини ҳам қойиллатиб қўйдим. Хўш, кейин-чи! Бундан биров наф қўраманми?! Ахир, ҳозир бутун дунё инглиз тилида сўзлашапти-ку!

Ўртага бир лаҳзалик сукунат чўмди. Стол атрофидагилар бир-бирини кўз ташлаб қўйди. Охири чидаб туролмадим — йигит тушмагурни сўрқоқ тутдим.

— Жиян, тасаввур қил, ихтиёригда миллионлаб доллар сармоя бор. Исталган вақтда кўнлинг тусанган ерга саёҳат қилишинг мумкин. Дабдурустан сендан бегона юрт вакиллари кимлигинг, қаердан келга-

— Улар ўзбекининг кимлиги ва Ўзбекистон қаердалигини билмасачи? — дедим бўш келмай.

Фуркат каловланиб қолди. Мен эса, давом этдим:

— Ҳазрат Навоий ёки Бобурдан икки мисра келтириб, шу байтлар замиридаги улкан фалсафани изохлаб берсанг борми, қани ким сенга қойил қолмайди, жиян! Пул одамнинг моддий эҳтиёжларининга қондириши мумкин. Билиб қўй: чўнтагинг қаппайгани билан маънавий оламнинг кашшоқ бўлса, қалбинг хувиллаб ётса, бу дунёда сарик чақалик қадринг бўлмайди. Маънавият — қалб озукаси. Тил ва адабиёт унинг ажралмас қисмларидир.

Ўша воқеадан кейин жамиятимиз ботинига теранроқ назар солишга уриндим. Кўп жихатдан, афсуе дегим келади. Афсуе! Бунча ҳам мод-дунёга ўч бўлмасак?! Ҳаётимиз латта-путта, зеб-зийнат, сарпо-сурғу йиғиш билан ўтиб

кетаётган нарса-буюмларни кўз-кўз қилиш орқали “шуҳратпарастлик пойгаси”да бошқалардан ўзиб кетгимиз келади. Бироқ қалб тарбияси билан шуғулланишга тоқатимиз йўқ. Тўғри-да, тарбия осон иш эмаски, ўз-ўзидан битиб кетса. Бунинг учун билим, кунт-каноат, тинимсиз меҳнат ва ҳаракат керак.

Ўзбекистон дунёга очик давлат. Бугун ўққа борма, бу нарсани ўйлама, мана бундай яша, деб бировга уқтириб бўлмайди. Аксарият тенгдошларимиз чет элга чиқишга интиломда. Хорижда ўқитганлари, онла қураётганлари, карьера қилаётганлари қанча. Бир ҳисобдан, қувонсак арзийди. Зотан, миллат ва мамлакатни қобикка ўраб, ташки оламдан узиб қўйиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини оксоч тарих жуда кўп бор исботлаган.

Бошқа томондан эса, мусофир юртининг об-ҳавоси юқумли бўлиши ва ҳаммага ҳам бирдай мақбул келвермаслигини ҳисобга олиш керак. Айниқса, азалдан йўллари айро бўлиб келган турфа маданиятлар, масалан, Шарк ва Ғарб жамиятларига хос маънавий-ахлоқий қарашлар тўқнашганда асосий зарба миллий қадриятларга тушади. Улар буткул завоқ топмаган тақдирда ҳам, қадр-қиммати кескин пасайиши мумкин. Айрим ёшлар онгу шуури ва ҳатти-ҳаракатларида материализм, индивидуализм ҳамда этноцентризм қайфиятини бўртиб чиқаргани худди шу ҳолатнинг яққол ифодаси десак, хато бўлмас.

Ўрни келганда миллат маънавий қиёфасидаги яна бир қусурга эътиборингизни қаратасиз. Гап ёш авлоднинг билимни қадрият сифатида қабул қилмаслиги ҳақида. Юрти-

мизда таълимга нечоғлик устувор аҳамият қаратилмасин ва соҳага қанчадан-қанча сармоя киритилмасин, университет дипломини эмас, балки ҳақиқий билим олишга талабгорлар салмоғи, бахтга қарши, қамайиб бормоқда. Жорий йилда республикамиз олий ўқув юртиларига ўтказилган тест синовлари талаба бўлишга интилаётган абиту-

га, қисқаси, ватанпарвар ва фидойи бўлишга, шахсан менинг шубҳам бор.

Дахшатлиси, ёшларни илмсизликка ташқаридаги қандайдир куч ёки кўзга кўринмас ёв эмас, балки ўзимиз — ота-она, амма-тоға, мойли жойни эгаллаб турган амалдор, ҳатто аслида миллат виждони сифатида қабул қилинувчи “азиз ва

ТУРФА МАДАНИЯТЛАР ТЎҚНАШГАНДА АСОСИЙ ЗАРБА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТУШАДИ

риентлар орасида Ғирромлар ҳам оз эмаслигини кўрсатди.

Рақамларга эътибор беринг: тест синовлари пайтида уяли телефон, шпиргалка олиб киришга ҳамда бошқа шахс ўрнига имтиҳон топиришга урингани учун 917 нафар, бино ичида шпиргалкадан фойдаланишга ҳаракат қилгани учун эса, 767 нафар тенгдошимиз имтиҳондан четлаштирилган. Шундай қилиб, қондабузарлар сони салкам 1 минг 700 нафар кишини ташкил қилди.

Бугун турфа хийла-найранглр ишлаб, нопок йўллар билан талаба бўлишга интилаётган йигит-қизлар эртага ҳалол яшашига, юрт равнақи учун сидқидилдан меҳнат қилиши, бор илму иктидорини (улар бор бўлса, албатта) шу олижаноб, эзгу мақсад ижобатига сафарбар этиши-

муқаррам” устозлар ундамоқда.

Мақбаларимизда ўқитувчиларни совға-саломларга қўмиб ташлаш анъанаси, коллеж, лицей ҳамда олий ўқув юртиларида баҳони савдолашиб олиш, танлов ва олимпиадаларда муллажириндан кўпроқ кистирганининг арзандасини иштирок этириш, керак бўлса, ўшани голибга айлантириш каби бир-биридан янчили ва чиркин эпизодлар биз барпо этаётган демократик жамиятда маърифат билан-биланмас ўз ўрнини жаҳолатга бўшатиб бераётганини кўрсатмоқда. Шу ўринда азалий бир ҳақиқатни ёдга солмоқ аини муддао: жаҳолат — ҳалокатнинг ибтисоси, дўстлар. Демак, илмсизлик эртам-кечми миллатни парокандаликка олиб бориши муқаррам.

ЮРТИМИЗДА ТАЪЛИМГА НЕЧОҒЛИК УСТУВОР АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛМАСИН, УНИВЕРСИТЕТ ДИПЛОМИНИ ЭМАС, БАЛКИ ҲАҚИҚИЙ БИЛИМ ОЛИШГА ТАЛАБГОРЛАР САЛМОҒИ, БАХТГА ҚАРШИ, КАМАЙИБ БОРМОҚДА

— Ие ўғлим, бу нима деганин?! Ахир, тилимиз, адабиётимиз — улуг қадрият-ку! Уларда миллат руҳи яшайди. Иккисини билмай туриб, инсон қандай қилиб ўзлигини тани-

нинг ҳақида сўради. Нима деб жавоб берасан?

— Ўзбекман, Ўзбекистондан келдим, дейман-да, мунча ҳам содда бўлмасангиз, опа!

кетяпти. Дангиллама уй қураимиз, дабдабали тўй қиламиз. Арзон-гаров гаплар билан бир-биримизни мот қилгимиз, ҳеч қаерга сиғмай



СОҲАНИ ИЛМ РИВОЖЛАНТИРАДИ

Мирмуҳсин ҒОҒУРОВ, Тошкент давлат миллий ракс ва хореография олий мактаби проректори

Бугун юртимизда барча йўналишларда таълим сифатини оширишга қўйилаётган талаб тубдан ўзгарди. Миллий ракс ва хореография соҳасини ривожлантириш ва тегишли таълим тизимини такомиллаштириш ҳам ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда алоҳида эътиборни такозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шу йўналишда кадрлар тайёрлаш сифатида ижобий таъсир кўрсата бошлади. Аини пайтда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда жами 18 та санъат ва маданият коллежи, 302 та болалар мусика ва санъат мактаби фаолият юрताди. Уларнинг барчаси миллий ва замонавий ракс ҳамда хореография йўналиши бўйича Тошкент давлат миллий ракс ва хореография олий мактабига бириктирилган. Демак, миллий ракс санъатимизнинг истиқболи қайсидир маънода битта муассаса — Олий мактабга боғлиқ.

Кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлашнинг эса ўзига хос талаблари бор. Улардан бири — илмий мулоқот ва муҳокамалар. Шу боис жорий йилнинг ўзида “Ўзбекистонда миллий

ракс ва хореография таълимнинг долзарб масалалари”, “Миллий ракс ва хореография санъатининг ривожланиши: анъанавийлик ва инновациялар”, “Миллий ракс санъатининг ривожланиш тарихи, долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари” мавзuida республика илмий-амалий конференциялари ўтказилгани бежиз эмас.

Мазкур анжуманлар доирасида, Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларига кўра, ўзбек миллий ракс ва хореография санъатининг таниқли намоёндалари иштирокида ракс санъатини ривожлантириш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқилди, энг илгор тажрибалар оммалаштирилди, илмий янгилек ва хулосалар соҳага изчил жорий этила бошлади.

Яна бир янгилек. Тошкент давлат

миллий ракс ва хореография олий мактабида ташкил этилган таълим назорати инспекцияси талабалар ўртасида мунтазам равишда социологик сўровлар ўтказиб, назарий ва амалий ишларни такомиллаштиришга доир тақлифлар берапти. Ана шундай тақлифлар асосида кейинги вақтда ҳар бир кафедра қошида илмий-ижодий тўғараклар фаолияти йўлга қўйилиб, уларга салоҳиятли ва малакали профессор-ўқитувчилар раҳбар этиб тайинланди. Маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда мутахассислик фанлари бўйича “Маҳорат дарслари” уюштириляпти.

Аини пайтда олий мактабда ишлаб чиқилган илмий-ижодий, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича 2018-2022 йилларга мўлжалланган истиқболли режа ҳамда илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш стратегияси асосида муассаса, қорхона ва ташкилотлар буюртмасидан келиб чиқиб мутахассислар тайёрлана бошлади.

Бундан ташқари, ҳар бир мутахассислик кафедрасида илмий тадқиқотларни олиб бориш, натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий мақолалар, ижодий дастурларни тайёрлаш, илмий-ижодий тадқиқот натижаларини жорий қилишда вужудга келадиган қийинчиликларни бартараф этиш билан шуғулланишдан инновацион гуруҳлар тузилган. Ана шундай ташаббускор гуруҳлар сый-

ҳаракати билан “Ўзбек тилида хореографик терминларнинг шаклланиши: бугунги ҳолати ва тараксийет босқичлари” мавзuida грант лойиҳаси бажарилмоқда.

Ҳозирги шиддаткор ва глобаллашиб бораётган шароитда ҳамкорлик масалаларига нисбатан ёндашув ҳам ўзгарган, албатта.

Санъат ва маданият соҳалари ва тармоқларининг самарали илмий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, мавжуд илмий салоҳиятни республика худудларининг инновацион ривожланиш дастурларига мувофиқлаштириш мақсадида салоҳиятли ўқитувчиларни ҳар бир вилоятдаги болалар мусика ва санъат мактаблари, санъат ва маданият коллежлари ҳамда бадний жамоаларига услубий маслаҳатчи сифатида бириктирганимиз.

Бундан ташқари, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси, Ўзбекистон Бадний жамоалари ижодий бирлашмаси, “Дийдор” режиссёрлик ва актёрлик маҳорати театр-студияси, “Томоша” болалар мусикий театр-студияси давлат қорхонаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, Фанлар академияси Санъатшунослик институти билан инновацион корпоратив ҳамкорлик бўйича илмий-ижодий ишлар олиб боряпти.

Шунингдек, муассасамиз Москва давлат хореография академияси, Қозғистон миллий хореография акаде-

мида муассасани нуфузини белгиловчи асосий омиллардан бири бу илмий йўналиш ҳисобланади. Биз аввало илмий ишлар мавзуларини танлашга ноъанавий ёндаша бошладик. Ҳозирда маданият ва санъат муассасалари, бошқарув ташкилотлари ҳамда бадний жамоалар томонидан илмий муаммолар рўйхати шакллантирилди. Уларнинг 38 таси бўйича илмий, ижодий ва услубий тадқиқот мавзуларини белгилаб олдик. Олий мактабда 2018 йилда мазкур мавзуларга доир битта докторлик, учта магистрлик диссертацияси, 27 та битирув малакавий ишлари бажарилди.

Тажрибали мутахассислар томонидан профессор-ўқитувчилар учун

ҳалқаро илмий-техник маълумотлар базалари бўлган “Web of Science” ва “Scopus” манбаларидан самарали фойдаланиш, юқори импакт факторли журналларга мақола ёзиш бўйича махсус семинарлар ташкил этиб боришмоқда.

Бирок Бу Тошкент давлат миллий ракс ва хореография олий мактабида ҳамма ишлар жойида, ҳеч қандай муаммо йўқ, дегани эмас. Муаммо ва қамчиликлар етарли. Муассасамиз мактаб-интернат, ихтисослаштирилган мактаб ва олий мактаб босқичларидан иборат. Барча бўғиндаги ўқув машғулоти бита бинодо олиб борилади. Аудиториялар етишмаслиги, мавжудлари талабга жавоб бермаслиги ўқув жараёнини самарали ташкил этишга тўсқинлик қилляпти. Ўқувчи ва талабаларнинг аксарияти юртимизнинг чекка худудларидан келиб ўқийди. Улар учун ётоқхона мавжуд эмас. Бу давомат ва муштиқил таълим олиш сифатига салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса, Олий мактабда таянч докторантура ва докторантура мавжуд эмас. Моддий-техник база ва илмий салоҳият ҳозирча докторантура ташкил этиш талабларига мос эмас. Бу қамчилик ва муаммолар бир кунда пайдо бўлмаган, албатта. Уларнинг ечими ҳам муайян муддатни талаб этади. Муҳими, биз ўз муаммоларимизни имкон қадар аниқлаб, уларни тезроқ ҳал этишга амалда қатъий киришганимиз. Ва ҳар қандай муаммо илмий ва инновацион ёндашув билангина ечим топиши мумкинлигини англаб туришимиз.

YOSHLIK ILHOMI

Ozod MUSTAFOYEV

1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Yoshim 17 da. Muzeylarga bepul kirish mumkinligi haqida eshitdim. Men ham shu imtiyozdan foydalansam bo'ladimi?

Azimjon UBAYDULLAYEV
Toshkent shahri

Savolga huquqshunos Bahrom ILHOMJONOV javob beradi:

— Ha, bo'ladi. Vazirlar Mahkamasi-ning 2010-yil 12-apreldagi qarori bilan tasdiqlangan "Milliy muzey fondi tarkibiga kiritilgan muzey ashyolari va

muзей kolleksiyalarini kirib ko'rish tartibi va shartlari to'g'risida"gi nizomga muvofiq, haftaning har seshanba va juma kunlari 18 yoshgacha bo'lgan yi-

git-qizlar hamda ularga hamrohlik qiluvchi ota-ona (yoki ularning o'rni bosuvchi shaxs)lar davlat muzeylariga bepul kiritiladi.

(Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi).

TANBUR

va

kumush to'g'nag'ich

Bu olam — tanbur. Uning qorni bo'sh, sip-silliq, dastasi dag'al. Tor bo'shliq tomonga intilar ekan, noxun uni ortiq azoblamaydi, biroq shunda nozik kuy ham yakun topadi. Qachonki u butunlik tomonga intilsa aksincha holat yuz beradi.

Deraza raxida turgan tanburning laklangan kosasi quyoshning ilk nurlarida yarqiraydi. Har zamon deraza pardasi shamolda to'liqlanlar ekan, u nozik barmoqlari ila soz chalayotgan mohni eslatadi. Tashqarida katta yo'l bo'ylab mashinalar o'tib-qaytarkan, kishini ko'cha shovqinidan ko'ra, ichkaridagi ana shu holat o'ziga ko'proq rom etadi.

Shamol to'xtab, parda tanburni yopib qoldi. Shunda birdan mashinaning qattiq tormoz bergani va kimningdir qichqirig'i eshitildi. Deraza oynasiga avtohalokatga uchragan mashinadan uzilib ketgan allanima urilib, chil-chil qildi. Raxda turgan tanbur to'nkarilib, pastga quladi. Tashqarida kimdir yordamga chaqirardi...

Qop-qorong'i xona. Uydek keladigan qayiqning ichini ham eslatadi. Unda odam bo'yidan ikki-uch baravar baland shift-dagi kichkinagina tiriqshidan tushayotgan yorug'likdan o'ziga narsa yo'q. Hammasi chalkash. Qayiqqa ham o'xshamaydi bu joy. Birdan uning bir tomoni yorishib, keksa chol kela boshladi. Nuroniyning chehrasi shu darajada yorug' ediki, unda ham qarilik alomatlar, ham go'dakning yuzidagi chiroyni ko'rish mumkin edi. Nuroniy po'rim kiyigan erkakni qorong'i burchakdan nur tomon tortib kelardi. Abjir ekan. Ust-boshi qumga belangan, erkak behush yotardi. Mo'ysafid uni silkitib, hushiga keltira boshladi:

— Hoy yigit, o'zingga keldingmi?

Erkak ko'zini ochar ekan, atrofga ohista alanglab, so'ng cholg'a qaradi:

— Siz kimsiz? Qayerdaman o'zi?

— Sen tanburning ichidasan, — deya qaddini rostladi chol.

Erkak hech narsaga tushunmadi, o'zini o'nglashga harakat qildi:

— Biron tamaddixonaning nomimi bu? Bu yerlarga ilgari kelmagandim. Nega bunchalik qorong'i?

Mo'ysafid yaktagining etagini qoqdi:

— Tushunmading. Bu haqiqiy tanbur. Sen tanbur kosasining ichidasan. Suyanib turganing qovurg'a.

Erkakning jahli chiqdi:

— Bu qanday bezetlik! Avtohalokatga uchradim! Menga yordam berish o'rning ustidan kulyapsizmi? Doktor chaqiring! Tanam zirqirib og'riyapti!

— Sen o'z vazifangni ado etib bo'lding, — xotirjam javob qaytardi mo'ysafid.

— O'lding demochimisiz? Trikmanku, siz bilan gaplashayapman-ku, hali o'lmaganman-a? — deya cholning elkasini siltadi erkak. — Gapingiz, kimsiz o'zi!

— Sen avval o'zingning kimligingni bilib ol! — deya chol erkakning qo'lini elkasidan olib tashladi. — Aks holda hech narsaga tushunmaysan.

Erkak sarosimaga tushib, qovurg'alardan oshishga harakat qildi.

— Men katta korxonaning rahbariman, — dedi mo'ysafidning yoniga kelib. — Muhim yig'ilishga borayotgandim...

U miyasida charx urayotgan savollarning aqalli bittasiga ham javob topolmasdi.

— Sen aytgan odam boshqa, — kulimsirab dedi chol. — Uzoq vaqt unga hamrohlik qilganman, xolos.

Cholning gaplari umuman tushunarsiz edi.

— Nima deyapsiz o'zi? Kim hamrohlik qilgan? Men o'ldimmi? — yig'lamsiradi erkak. — Qabr ichidaman-a? Axir, ne-ne orzularim bor edi. Nahotki shu gaplar rost bo'lsa? — deya u mo'ysafid oldida tiz cho'kdi. — Men yaxshi ishlar qilmoqchi edim.

— O'zingni bos, — dedi chol qat'iyat bilan. — Men ruhan. Tanburning ruhan. Avtohalokat tanburga yaqin joyda sodir bo'ldi.

Sen o'sha odam taqqan bir to'g'nag'ichsan, xolos. U seni har doim bo'yinbog'ida taqib yurgan, tamom-vassalom. Unga shu qadar yaqin edingki, barcha sirlaridan xabardorsan. Shu bois o'zingni u bilan adashitirapsan.

Erkak xoxolab kulib yubordi:

— Qo'ysangiz-chi, to'g'nag'ich — jonsiz bir buyum. Unda ruh nima qilsin? Men o'sha odamman!

— Unutmanginki, moddiyat olamida har bir narsaning ruhi bor. U insonning qilgan amallari uchun qiyomatda guvohlik beradi. Sen ham!

Erkak qiyofasidagi ruh dod soldi:

— Yo'q! Yo'q! Yo'q! — ko'rsatkich barmog'i bilan havoni bir necha bor kesdi. — Men hali tirikman! Yashashim kerak! Yaqinlarimni bir bor ko'ray! Bu yerdan chiqishning yo'lini ayting!

Shunda u o'zini har tomonga urib, devorlarni paypaslay boshladi.

— Sen oddiy bir to'g'nag'ichsan! Na yaqin odaming, na farzandlaring bor! O'sha odam allaqachon o'lib bo'lgan! Qabrida yotibdi! Sen uning barcha ishlariga guvohsan, xolos.

Erkak mo'ysafid yoniga qaytdi:

— Kechagidek yodimda! Ziyofat mahali qilingan xushomad! To'n kiygizishdi. Xotinim kutib olgandi uyimda. Rosa ichgan edim.

— Sen kuzatib borgansan, xolos. Bu hammasi — bema'ni xotira! Vaqti kelganda sen uning shu ishlarini Tangri oldida ro'y-rost aytasan!

— Bu qanday ko'rgilik? Nahotki, meni arzimasi bir buyumga tenglashtirishsa! Men katta odamman, ne-ne ishlarni bajarganman, axir. Yuzlab odamlarni ishga oldim, o'nlab odamlarga lavozim, mol-davlat berdim!

— Sening hayotdagi vazifang bo'yinbog'ni mahkam tutib turish edi, xolos!

— Ustundan kulmang!

Erkak mo'ysafidga ko'zlarini olaytirib qaradi-yu, shu topda uni bo'g'moqchi bo'lib qo'llarini uzatdi:

— Hech kim bunga jur'at qilmagan! Siz aytayotgan tanbur — safsata! Aytgan hamma gapingiz yolg'on.

— O'lganingga ishonching komil bo'lsa, agar qabrda yotgan bo'lsang, nega unda seni so'roq qilishga hech kim kelmadi?

Erkak ikkilandi.

— Bilmadim, bilmadim. Bu yana qanday sinov ekan? Nega hammayoq jimjit? Hoy, kim bo-o-or!

— Baqirganing befoya! Bor-yo'g'i bir to'g'nag'ichning ruhan-u, o'zingni katta olganingni qara! Men senga o'sha odamning qabrini ham ko'rsatishim mumkin! Faqat hozir emas.

— Qayerga ketyapsiz, bobo. Hali savollarim ko'p. Qayting...

Mo'ysafid devorga singib, g'oyib bo'ldi. Erkak esa, tanburning ichida qoldi. Yana atrofga alangladi. Devona bo'lgandek baqirib, devorni mushtlay boshladi...

Oqshom cho'kar ekan, qabristondan o'tgan zovurda qurbaqalarning ovozi avjiga chiqq boshladi. Qabrlar atrofidagi sarg'aygan qamishlar kuzning sovuq shamolida shuvillaydi. Kimningdir kelayotgani eshitildi. Qora plash kiygan erkak qabristondagi do'nglikning o'ng tomoni bo'ylab yangi qabrlar tomon yo'naldi. U kaftida nimanidir mahkam qisib olgandi. Qabr toshlaridagi yozuvlarni quyoshning so'nggi nurlarida o'qishga urinar ekan, jonsarak nimanidir qidirardi. Shu payt ulkan marmar toshdagi o'zining suratiga ko'zi tushdi-yu, qotib qoldi. Rangi oqarib, joyidan qimirlolmay qoldi. Odam bo'yi barobar toshdagi suratga qayta-qayta qaradi, yozuvlar ustidan barmog'ini yurgizib ikki-uch marotaba o'qib chiqdi. Qaltirardi. Bir yutindi-da, shu joyda to'xtadi. So'nggi bor suratga razm solib, qabriston darvozisiga qarab yugurdi. Birozdan keyin sharpasni yo'qoldi. Boya qo'lida yashirgan narsasi marmar ustiga tushib qolganini sezmedi ham. Bu qushning tumshug'idek keladigan, bejirim qilib ishlangan, zanjirli kumush to'g'nag'ich edi...



BILASIZMI?

O'n va undan ortiq odamdan iborat guruhlar transport chiptasini sotib olishda quyidagi chegirmalar taqdim qilinadi:

- harakat yo'nalishining umumiy masofasi 2000 km gacha bo'lganda:

✓ guruhda 24 nafargacha odam bo'lsa, chiptalarning umumiy to'liq qiymatidan 10 foiz;

✓ guruhda 25 nafar va undan ortiq odam bo'lsa, chiptalarning umumiy to'liq qiymatidan 15 foiz;

- harakat yo'nalishining umumiy masofasi 2000 km dan ortiq bo'lganda:

✓ guruhda 24 nafargacha odam bo'lsa, chiptalarning umumiy to'liq qiymatidan 20 foiz;

✓ guruhda 25 nafar va undan ortiq odam bo'lsa, chiptalarning umumiy to'liq qiymatidan 30 foiz.

Manba: Adliya vazirligining
Huquqiy axborot kanali.

HAYOT MANZARASI

Arava yetaklagan ayol

Sherzod MAHMUDOV

Kuzning yana bir namxush, etni junjiktiruvchi tongi otdi. Ayol erinibgina ko'zini ochdi. Yonida uxlayotgan bolalariga biroz tikilib, ularni uyg'otib yubormaslik uchun ohista o'rmidan jildi. Tashqari g'ira-shira. To'rтинчи qavat derazasidan pastga tikildi. O'qin-o'qin o'tayotgan mashinalar ovozi hamda farosh ayollarning ko'cha supurishigina eshitilardi.

Ayol tor va qorong'i yo'lakdan paypaslanib yurdi. Nogoh oyog'i allanimaga urildi. Ko'zi qorong'ilikka ko'nikkach, qaradi — aroq shishasi. Yotoqxonadan erining hurragi eshitildi.

Yana ichib kelibdi, shekilli. Ayol eshikni asta qiyalatib ochdi. Ichkilik isi "o'tirib qolgan" xona to'rida davangirday erkak shiftga tikilgan-cha orom olmoqda.

Ayol afsus bilan bosh chayqadi-da, eshikni yopdi. Yuzini yuvdi. Oshxonaga kirib, buxanka nandan bir bo'lak kesdi. Sovib qolgan choydan ho'plab, tamaddi qilgan bo'ldi. So'ng qalin kiyinib, ko'chaga chiqishga taraddudlandi. Ayolning sharpasidan uyg'ongan katta farzandi — o'n besh yashar qizi onasining qarshisiga keldi.

— Nega erta turib olding? — dedi ayol qunishib turgan qiziga.

Qizi indamadi. Onasi: "Yuzingni yuvmasdan birovga gapirma", deb o'rnatib.

— Ukalarim uyg'onsa, choy damlab ber.



Ayolga baxt bering, saodat bering. Demang, yuribdi-ku kulib, jilmayib. Ayol kulib turib o'lishi mumkin, Dunyoni olishi mumkin jilmayib.

Zulfiya MO'MINOVA

Dadang turib, meni so'rsa, bozorda degin. Biron qattiq gap aytsa, indama. Ukalarimga yaxshi qara. Ovqatni amallarsan, kechqurun mayda-chuyda olib kelaman.

Qiz bosh igr'adi. Ayol tashqariga yo'naldi. Zinalardan pastga tusharkan, uyini unutilib, bozorda bugun ne savdolariga yo'liqishini o'ylandi. Atrofta hayot uyg'ondi. U esa, necha yil-

lardan beri borar manzili tomon oshiqardi. Ana, "Chorsu" bozori. Har kech bozorga kirishdagi qorovulxonada qoldiradigan karton qutilardagi zil-zambil mevalar ortilgan aravasini shoshilmay yetakladi. Eshik oldida sigaret tutatib turgan nazoratchiga pul berarkan, chuqur nafas oldi-da, odamlar oqimiga qo'shib ketdi...

MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va
axborot agentligida 2017-yil
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta
no'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir

Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov,
Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyeu,
Azim Mirzajonov, Nodir Abdug'odirov,
Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari
("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir
o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),
Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner

Abdullayev
Xurshid
O'ktamjonovich

Navbatchesi

Boboravshan G'oziddinov

"YOSHLAR OVOZI" dan
materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.
Belgisi bilan tijoriy
materiallar chop etiladi.



Yoshlar ovozi bilan
uzun vaqt davomida
hamkorlik qilish



Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida,
A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma tabaq.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indekslar: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-1136
Adedi — 1186
Boshiga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 00.50
O'za yakuni — 23.20

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
O'qib ushulda bosilgan